XALQ DEPUTATLARI JIZZAX SHAHAR KENGASHINING QARORI

2022 - yil 11 - noyabr VI-41-154-3-55-K/22 Jizzax shahar hokimligi

Жиззах шаҳар ҳудудидаги маҳаллаларда жойлашган номсиз ва номлари такрорланган кўчалар, қабристонлар, зиёратгоҳлар, истироҳат боғлари ҳамда хиёбонларни номлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 12 октябрдаги “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги 303-сонли Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 октябрдаги “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ географик объектларнинг номлари соҳасидаги ишларни тартибга солиш чора-тадбирлари ҳақида”ги 295-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги “Шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 48-сон ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасига асосан халқ депутатлари Жиззах шаҳар Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг эксперт комиссиясининг 2022 йил 3 августдаги 08-06632-сон ҳамда 2022 йил 22 августдаги 08-07253-сонли хулосаси маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Жиззах шаҳар маҳаллалардаги мавжуд номсиз ҳамда номлари такрорланган кўчаларга тавсия этилган номлар 1-иловага, шаҳардаги мавжуд қабристонларга тавсия этилган номлар 2-иловага, шаҳардаги мавжуд майдон, зиёратгоҳ, хиёбон ва истироҳат боғига тавсия этилган номлар 3-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. Шаҳар статистика бўлими (Х.Шокиров), Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги кадастр агентлигининг давлат кадастрлар палатаси Жиззах шаҳар филиали (С.Эргашев), шаҳар архитектура ва қурилиш бўлими (О.Ўринбоев) ҳамда тегишли мутасадди ва давлат органларига амалдаги тартибда ном берилган ва номлари ўзгартирилган кўчалар, қабристонлар, майдон, зиёратгоҳ, хиёбон ва истироҳат боғларининг таркибий қисмларини давлат реестрига киритиш ва электрон базасини шакллантириш, иш юритиш ҳужжатларига ўзгартириш киритиш билан боғлиқ барча тадбирларни амалга ошириш вазифаси юклатилсин.

4. Шаҳар ИИО ФМБ (Б.Наимов) ном берилган ва номлари ўзгартирилган ҳудудларда аҳолининг фуқаролик паспортларига тегишли ўзгартиришлар киритиш ишларини ташкилий равишда амалга оширсин.

5. Жиззах шаҳар ҳокими ўринбосари (Х.Оналбоев), шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси (А.Қобилов), Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими (Б.Соатов)ларга:

Маҳаллалардаги номсиз кўчалар, қабристонлар, зиёратгоҳлар, истироҳат боғлари, ҳамда хиёбонларга тавсия этилган номларини қонунчиликда белгиланган тартибда қонунийлаштириш чораларини кўрсин ҳамда аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш, белгиланган тартибдазамонавий кўринишда, лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида ЎзДСт техник шартларига жавоб берадиган пешлавҳалар ёзиб ўрнатиш ишларини ташкил этиш вазифаси юклатилсин.

6. Белгилансинки, географик объектларнинг номлари соҳасидаги ишларини молиялаштириш маҳаллий бюджет маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

7. Шаҳар ҳокими маслаҳатчиси (С.Шерқўзиева)га:

10 кунлик муддатда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигига Географик объектларнинг номлари давлат реестрига киритиш учун тегишли ҳужжатлар юбориш;

қарордан нусха географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалалари бўйича вилоят комиссиясига юбориш вазифаси юклатилсин.

8. “Жиззах овози” газетаси (С.Донишев), Жиззах шаҳар ҳокимлиги Ахборот хизмат раҳбари (Х.Рахимова) ҳамда Жиззах шаҳар телевидениясс (Б.Эшонқулов)лар ушбу қарорни тегишли тартибда оммавий ахборот воситалари орқали расмий эълон қилсин.

9. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

10. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш халқ депутатлари Жиззах шаҳар Кенгаши доимий комиссиялари ва шаҳар ҳокимининг ўринбосари в.б С.Силлиев зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раиси **К.Холмуродов**

Xalq deputatlari Jizzax shahar
Kengashining
2022 yil 11 noyabrdagi
VI-41-154-3-55-K/22-son qaroriga
1-ilova

Географик объектларга ном бериш масалаларини мувофиқлаштирувчи шаҳар комиссиясининг шаҳардаги мавжуд номсиз ҳамда номлари такрорланган кўчаларга тавсия этилган номларини кўриб чиқиш ва номлаш тўғрисида ТАКЛИФЛАР

Т/р		Географик объект нинг тури	Жойлашган ўрни	Географик объектнинг амалдаги номи	шаҳар комиссияси томонидан берилган таклиф	Изоҳ
1	1	Кўча	1. Иттифоқ МФЙ	Номсиз	**Ниҳол**	Ўз маъносида
2	1	Кўча	2. Ёшлик МФЙ	Номсиз	**Катта боғдон**	Ўз маъносида
3	1	Кўча	3. Нурлиобод МФЙ	Номсиз	**Ибрат**	Ўз маъносида
4	2	Тор кўча		Номсиз	**Олимлар 1-тор кўча**	Ўз маъносида
5	3	Тор кўча		Номсиз	**Навниҳол 1-тор кўча**	Ўз маъносида
6	4	Тор кўча		Номсиз	**Навниҳол 2-тор кўча**	Ўз маъносида
7	5	Тор кўча		Номсиз	**Навниҳол 3-тор кўча**	Ўз маъносида
8	1	Тор кўча	4. Қалия МФЙ	Номсиз	**Тўптолобод 1-тор кўча**	Ўз маъносида
9	1	Кўча	5. Наврўз МФЙ	Номсиз	**Муборак**	Ўз маъносида
10	2	Тор кўча		Номсиз	**Муборак 1-тор кўча**	Ўз маъносида
11	3	Тор кўча		Номсиз	**Муборак 2-тор кўча**	Ўз маъносида
12	4	Тор кўча		Номсиз	**Муборак 3-тор кўча**	Ўз маъносида
13	5	Тор кўча		Номсиз	**Муборак 4-тор кўча**	Ўз маъносида
14	6	Тор кўча		Номсиз	**Муборак 5-тор кўча**	Ўз маъносида
15	7	Тор кўча		Номсиз	**Муборак 6-тор кўча**	Ўз маъносида
16	8	Тор кўча		Номсиз	**Етимтоғ 1-тор кўча**	Ўз маъносида
17	9	Тор кўча		Номсиз	**Мирсаид Барака 1-тор кўча**	Ўз маъносида
18	1	Кўча	6. Дўстлик МФЙ	Номсиз	**Юксалиш**	Ўз маъносида
19	2	Кўча		Номсиз	**Аҳиллик**	Ўз маъносида
20	3	Тор кўча		Номсиз	**Юксалиш 1-тор кўча**	Ўз маъносида
21	4	Тор кўча		Номсиз	**Юксалиш 2-тор кўча**	Ўз маъносида
22	5	Тор кўча		Номсиз	**Бахмаллик 1-тор кўча**	Ўз маъносида
23	6	Тор кўча		Номсиз	**Садаф 1-тор кўча**	Ўз маъносида
24	7	Тор кўча		Номсиз	**Саройтепа 1-тор кўча**	Ўз маъносида
25	8	Тор кўча		Номсиз	**Қораабдол 1-тор кўча**	Ўз маъносида
26	1	Тор кўча	7. Тинчлик МФЙ	Номсиз	**Камарли 1-тор кўча**	Ўз маъносида
27	2	Тор кўча		Номсиз	**Камарли 2-тор кўча**	Ўз маъносида
28	3	Тор кўча		Номсиз	**Камарли 3-тор кўча**	Ўз маъносида
29	5	Тор кўча		Номсиз	**Саховатли 1-тор кўча**	Ўз маъносида
30	6	Тор кўча		Номсиз	**Саховатли 2-тор кўча**	Ўз маъносида
31	1	Тор кўча	8. Алишер Навоий МФЙ	Номсиз	**Тоқчиллик 1-тор кўча**	Ўз маъносида
32	2	Тор кўча		Номсиз	**Оромгоҳ 1-тор кўча**	Ўз маъносида

33	1	Кўча	9. Обод МФЙ	Номсиз	**Хиёбон**	Ўз маъносида
34	2	Тор кўча		Номсиз	**Боғкўча 1-тор кўча**	Ўз маъносида
35	3	Тор кўча		Номсиз	**Боғкўча 2-тор кўча**	Ўз маъносида
36	4	Тор кўча		Номсиз	**Боғкўча 3-тор кўча**	Ўз маъносида
37	5	Тор кўча		Номсиз	**Боғкўча 4-тор кўча**	Ўз маъносида
38	6	Тор кўча		Номсиз	**Тутли 1-тор кўча**	Ўз маъносида
39	7	Тор кўча		Номсиз	**Фурқат 1-тор кўча**	Ўз маъносида
40	8	Тор кўча		Номсиз	**Фурқат 2-тор кўча**	Ўз маъносида
41	9	Тор кўча		Номсиз	**Кўтарма 1-тор кўча**	Ўз маъносида
42	10	Тор кўча		Номсиз	**Кўтарма 2-тор кўча**	Ўз маъносида

43	1	Кўча	10. Амир Темур МФЙ	Номсиз	**Дармон**	Ўз маъносида
44	2	Кўча		Номсиз	**Ўртабўз**	Ўз маъносида
45	3	Кўча		Номсиз	**Заҳматкаш**	Ўз маъносида
46	4	Кўча		Номсиз	**Шафоат**	Ўз маъносида
47	5	Берк кўча		Номсиз	**Қизғалдоқ**	Ўз маъносида
48	6	Кўча		Номсиз	**Ихлос**	Ўз маъносида
49	7	Кўча		Номсиз	**Мовараун нахр**	Ўз маъносида
50	8	Кўча		Номсиз	**Қувонч**	Ўз маъносида
51	9	Кўча		Номсиз	**Истироҳат**	Ўз маъносида
52	10	Кўча		Номсиз	**Замондош**	Ўз маъносида
53	11	Кўча		Номсиз	**Қадрдонлар**	Ўз маъносида
54	12	Кўча		Номсиз	**Китобхонлар**	Ўз маъносида
55	13	Берк кўча		Номсиз	**Нур**	Ўз маъносида
56	14	Кўча		Номсиз	**Халқлар дўстлиги**	Ўз маъносида
57	15	Кўча		Номсиз	**Мардлик**	Ўз маъносида
58	16	Кўча		Номсиз	**Садоқат**	Ўз маъносида
59	17	Кўча		Номсиз	**Маънавият**	Ўз маъносида
60	18	Кўча		Номсиз	**Қорасой**	Ўз маъносида
61	19	Кўча		Номсиз	**Онаюрт**	Ўз маъносида
62	20	Кўча		Номсиз	**Отаюрт**	Ўз маъносида
63	21	Кўча		Номсиз	**Темурийлар**	Ўз маъносида
64	22	Кўча		Номсиз	**Соғлом авлод**	Ўз маъносида
65	23	Кўча		Номсиз	**Кўкаламзор**	Ўз маъносида
66	24	Кўча		Номсиз	**Мўжиза**	Ўз маъносида
67	25	Тор кўча		Номсиз	**Ўртабўз 1-тор кўча**	Ўз маъносида
68	26	Тор кўча		Номсиз	**Ўртабўз 2-тор кўча**	Ўз маъносида
69	27	Тор кўча		Номсиз	**Заҳматкаш 1-тор кўча**	Ўз маъносида
70	28	Тор кўча		Номсиз	**Заҳматкаш 1-тор кўча**	Ўз маъносида
71	29	Тор кўча		Номсиз	**Заҳматкаш 2-тор кўча**	Ўз маъносида
72	30	Тор кўча		Номсиз	**Шафоат 1-тор кўча**	Ўз маъносида
73	31	Тор кўча		Номсиз	**Ихлос 1-тор кўча**	Ўз маъносида
74	32	Тор кўча		Номсиз	**Қорасой 1-тор кўча**	Ўз маъносида
75	33	Тор кўча		Номсиз	**Қорасой 2-тор кўча**	Ўз маъносида
76	34	Тор кўча		Номсиз	**Қорасой 3-тор кўча**	Ўз маъносида
77	35	Тор кўча		Номсиз	**Қорасой 4-тор кўча**	Ўз маъносида
78	36	Тор кўча		Номсиз	**Қадрдонлар 1-тор кўча**	Ўз маъносида
79	37	Тор кўча		Номсиз	**Қадрдонлар 2-тор кўча**	Ўз маъносида
80	38	Тор кўча		Номсиз	**Қадрдонлар 1-тор кўча**	Ўз маъносида
81	39	Тор кўча		Номсиз	**Китобхонлар 1-тор кўча**	Ўз маъносида
82	40	Тор кўча		Номсиз	**Китобхонлар 2-тор кўча**	Ўз маъносида
83	41	Тор кўча		Номсиз	**Китобхонлар 3-тор кўча**	Ўз маъносида
84	42	Тор кўча		Номсиз	**Китобхонлар 4-тор кўча**	Ўз маъносида
85	43	Тор кўча		Номсиз	**Китобхонлар 5-тор кўча**	Ўз маъносида
86	44	Тор кўча		Номсиз	**Китобхонлар 6-тор кўча**	Ўз маъносида
87	45	Тор кўча		Номсиз	**Мўжиза 1-тор кўча**	Ўз маъносида
88	46	Тор кўча		Номсиз	**Мўжиза 2-тор кўча**	Ўз маъносида

89	1	Тор кўча	11. Боғишамол МФЙ	Тоғишамол	**Тоғишамол 1- тор кўча**	Ушбу кўчанинг 1-чи тор кўчаси
90	2	Тор кўча		Тоғишамол	**Тоғишамол 2- тор кўча**	Ушбу кўчанинг 2-чи тор кўчаси
91	3	Тор кўча		Тоғишамол	**Тоғишамол 3- тор кўча**	Ушбу кўчанинг 3-чи тор кўчаси
92	4	Тор кўча		Тоғйўли	**Тоғйўли 1- тор кўча**	Ушбу кўчанинг 1-чи тор кўчаси
93	5	Тор кўча		Тоғйўли	**Тоғйўли 2- тор кўча**	Ушбу кўчанинг 2-чи тор кўчаси
94	6	Тор кўча		Тошликон	**Тошликон 1-тор кўча**	Ушбу кўчанинг 1-чи тор кўчаси
95	7	Тор кўча		Тошликон	**Тошликон 2-тор кўча**	Ушбу кўчанинг 2-чи тор кўчаси
96	1	Кўча	13.Бунёдкор МФЙ	Номсиз	**Давр**	Ўз маъносида
97	2	Кўча		Номсиз	**Фахрийлар**	Ўз маъносида
98	3	Кўча		Номсиз	**Ихтирочилар**	Ўз маъносида
99	5	Кўча		Номсиз	**Осойишталик**	Ўз маъносида
100	6	Кўча		Номсиз	**Гулдаста**	Ўз маъносида
101	7	Кўча		Номсиз	**Чеварлар**	Ўз маъносида
102	8	Кўча		Номсиз	**Илмлилар**	Ўз маъносида
103	9	Кўча		Номсиз	**Шамс**	Ўз маъносида
104	10	Тор кўча		Номсиз	**Шамс 1-тор кўча**	Ўз маъносида
105	11	Тор кўча		Номсиз	**Шамс 2-тор кўча**	Ўз маъносида
106	12	Тор кўча		Номсиз	**Шамс 3-тор кўча**	Ўз маъносида
107	13	Тор кўча		Номсиз	**Ўртайўл 1-тор кўча**	Ўз маъносида
108	14	Тор кўча		Номсиз	**Ўртайўл 2-тор кўча**	Ўз маъносида
109	15	Тор кўча		Номсиз	**Ўртайўл 3-тор кўча**	Ўз маъносида
110	16	Тор кўча		Номсиз	**Ўртайўл 4-тор кўча**	Ўз маъносида
111	17	Тор кўча		Номсиз	**Саноатчилар 1-тор кўча**	Ўз маъносида
112	18	Тор кўча		Номсиз	**Қўшсарой 1-тор кўча**	Ўз маъносида
113	19	Тор кўча		Номсиз	**Қўшсарой 2-тор кўча**	Ўз маъносида
114	20	Тор кўча		Номсиз	**Қўшсарой 3-тор кўча**	Ўз маъносида
115	21	Тор кўча		Номсиз	**Боғдонлик 1-тор кўча**	Ўз маъносида
116	22	Тор кўча		Номсиз	**Ободтурмуш 1-тор кўча**	Ўз маъносида
117	23	Тор кўча		Номсиз	**Чимқўрғон 1-тор кўча**	Ўз маъносида
118	24	Тор кўча		Номсиз	**Чимқўрғон 2-тор кўча**	Ўз маъносида
119	25	Тор кўча		Номсиз	**Чимқўрғон 3-тор кўча**	Ўз маъносида
120	26	Тор кўча		Номсиз	**Чимқўрғон 4-тор кўча**	Ўз маъносида
121	1	Кўча	14. Заргарлик МФЙ	Номсиз	**Боғистон**	Ўз маъносида
122	2	Тор кўча		Номсиз	**Боғистон 1-тор кўча**	Ўз маъносида
123	1	Кўча	15. Заҳириддин Муҳаммад Бобур МФЙ	Номсиз	**Зулфиқор**	Ўз маъносида
124	2	Кўча		Номсиз	**Буюкмиллат**	Ўз маъносида
125	3	Кўча		Номсиз	**Боғи дилкушо**	Ўз маъносида
126	1	Кўча	16. Зилол МФЙ	Номсиз	**Маънавиятчилар**	Ўз маъносида
127	2	Тор кўча		Номсиз	**Янгиобод 1-тор кўча**	Ўз маъносида
128	3	Тор кўча		Номсиз	**Янгиобод 2-тор кўча**	Ўз маъносида
129	4	Тор кўча		Номсиз	**Зиёкор 1-тор кўча**	Ўз маъносида
130	1	Кўча	17. Кимёгар МФЙ	Номсиз	**Етакчилар**	Ўз маъносида
131	2	Тор кўча		Номсиз	**Биродарлик 1-тор кўча**	Ўз маъносида
132	3	Тор кўча		Номсиз	**Биродарлик 2-тор кўча**	Ўз маъносида

133	1	Кўча	18. Қассоблик МФЙ	Номсиз	**Янги Ўзбекистон**	Ўз маъносида
134	2	Кўча		Номсиз	**Учқун**	Ўз маъносида
135	3	Тор кўча		Номсиз	**Мирзо улуғбек 1-тор кўча**	Ўз маъносида
136	4	Тор кўча		Номсиз	**Мирзо улуғбек 2-тор кўча**	Ўз маъносида
137	1	Берк кўча	19. Маданият МФЙ	Номсиз	**Паҳтакор 1-берк кўча**	Ўз маъносида
138	2	Берк кўча		Номсиз	**Фарғона 1-боши берк кўча**	Ўз маъносида
139	1	Кўча	20. Мирзо Улуғбек МФЙ	Номсиз	**Муваффақият**	Ўз маъносида
140	2	Кўча		Номсиз	**Мурувватли**	Ўз маъносида
141	3	Тор кўча		Номсиз	**Зомин 1-тор кўча**	Ўз маъносида
142	4	Тор кўча		Номсиз	**Зомин 2-тор кўча**	Ўз маъносида
143	5	Тор кўча		Номсиз	**Зомин 3-тор кўча**	Ўз маъносида
144	6	Тор кўча		Номсиз	**Абу Райхон Беруний 1-тор кўча**	Ўз маъносида
145	7	Тор кўча		Номсиз	**Муваффақият 1-тор кўча**	Ўз маъносида
146	8	Тор кўча		Номсиз	**Муваффақият 2-тор кўча**	Ўз маъносида
147	9	Тор кўча		Номсиз	**Муваффақият 3-тор кўча**	Ўз маъносида
148	10	Тор кўча		Номсиз	**Тадбиркорлар 1-тор кўча**	Ўз маъносида
149	11	Тор кўча		Номсиз	**Тадбиркорлар 2-тор кўча**	Ўз маъносида
150	1	Тор кўча		Номсиз	**Тадбиркорлар 3-тор кўча**	Ўз маъносида
151	2	Тор кўча		Номсиз	**Ширин 1-тор кўча**	Ўз маъносида
152	1	Кўча	21. Оққўрғонлик МФЙ	Номсиз	**Туронзамин**	Ўз маъносида
153	2	Кўча		Номсиз	**Йўлчиюлдуз**	Ўз маъносида
154	3	Кўча		Номсиз	**Виқорли**	Ўз маъносида
155	1	Кўча	22. Олмазор МФЙ	Номсиз	**Муҳташам**	Ўз маъносида
156	2	Кўча		Номсиз	**Ҳурлик**	Ўз маъносида
157	3	Тор кўча		Номсиз	**Булоқбоши 1-тор кўча**	Ўз маъносида
158	4	Тор кўча		Номсиз	**Булоқбоши 2-тор кўча**	Ўз маъносида
159	4	Тор кўча		Номсиз	**Булоқбоши 3-тор кўча**	Ўз маъносида
160	5	Тор кўча		Номсиз	**Ипакчи 1-тор кўча**	Ўз маъносида
161	6	Тор кўча		Номсиз	**Ипакчи 2-тор кўча**	Ўз маъносида
162	1	Кўча	23. Раваллиқ МФЙ	Номсиз	**Ёшкуч**	Ўз маъносида
163	2	Кўча		Номсиз	**Мусаффо**	Ўз маъносида

164	1	Кўча	24. Сайхон МФЙ	Номсиз	**Янги Сайхон**	Ўз маъносида
165	2	Тор кўча		Номсиз	**Лалмикор 1-тор кўча**	Ўз маъносида
166	3	Тор кўча		Номсиз	**Оқбулоқ 1- тор кўча**	Ўз маъносида
167	4	Тор кўча		Номсиз	**Оқбулоқ 2-тор кўча**	Ўз маъносида
168	5	Тор кўча		Номсиз	**Оқбулоқ 3-тор кўча**	Ўз маъносида
169	6	Тор кўча		Номсиз	**Янги Сайхон 1-тор кўча**	Ўз маъносида
170	7	Тор кўча		Номсиз	**Янги Сайхон 2- тор кўча**	Ўз маъносида
171	8	Тор кўча		Номсиз	**Янги Сайхон 3-тор кўча**	Ўз маъносида
172	1	Кўча	25. Сангзор МФЙ	Номсиз	**Дурадгорлик**	Ўз маъносида
173	2	Тор кўча		Номсиз	**Дурадгорлик 1-тор кўча**	Ўз маъносида
174	3	Тор кўча		Номсиз	**Дурадгорлик 2-тор кўча**	Ўз маъносида
175	4	Тор кўча		Номсиз	**Дурадгорлик 3-тор кўча**	Ўз маъносида
176	5	Тор кўча		Номсиз	**Дурадгорлик 4-тор кўча**	Ўз маъносида
177	1	Кўча	26. Учариқ МФЙ	Номсиз	**Осиё**	Ўз маъносида
178	2	Кўча		Номсиз	**Умид ниҳоллари**	Ўз маъносида
179	3	Кўча		Номсиз	**Мажнунтол**	Ўз маъносида
180	4	Кўча		Номсиз	**Соҳил**	Ўз маъносида
181	1	Тор кўча	27.Тошлоқ МФЙ	Номсиз	**Миришкор 1-тор кўча**	Ўз маъносида
182	1	Тор кўча	27. Турон МФЙ	Номсиз	**Сайёд 1-тор кўча**	Ўз маъносида
183	2	Тор кўча		Номсиз	**Сайёд 2-тор кўча**	Ўз маъносида
184	1	Кўча	28. Ўратепалик МФЙ	Номсиз	**Фидоийлар**	Ўз маъносида
185	2	Тор кўча		Номсиз	**Бахмал 1-тор кўча**	Ўз маъносида
186	1	Тор кўча	29. Сайилжойи МФй	Номсиз	**Ибн хавқол 1-тор кўча**	Ўз маъносида
187	2	Тор кўча		Номсиз	**Ибн хавқол 2-тор кўча**	Ўз маъносида
188	3	Тор кўча		Номсиз	**Ибн хавқол 3-тор кўча**	Ўз маъносида
189	4	Тор кўча		Номсиз	**Ибн хавқол 4-тор кўча**	Ўз маъносида
190	5	Тор кўча		Номсиз	**Ибн хавқол 5-тор кўча**	Ўз маъносида
191	6	Тор кўча		Номсиз	**Бирлашган 1-тор кўча**	Ўз маъносида
192	7	Тор кўча		Номсиз	**Бирлашган 2-тор кўча**	Ўз маъносида
193	8	Тор кўча		Номсиз	**Бирлашган 3-тор кўча**	Ўз маъносида
194	9	Тор кўча		Номсиз	**Бирлашган 4-тор кўча**	Ўз маъносида
195	10	Тор кўча		Номсиз	**Сихатгоҳ 1-тор кўча**	Ўз маъносида
196	11	Тор кўча		Номсиз	**Сангзорбўйи 1-тор кўча**	Ўз маъносида
197	12	Тор кўча		Номсиз	**Афсона 1-тор кўча**	Ўз маъносида
198	13	Тор кўча		Номсиз	**Афсона 2-тор кўча**	Ўз маъносида
199	14	Тор кўча		Номсиз	**Афсона 3-тор кўча**	Ўз маъносида
200	15	Тор кўча		Номсиз	**Регистон 1-тор кўча**	Ўз маъносида
201	16	Тор кўча		Номсиз	**Регистон 2-тор кўча**	Ўз маъносида
202	17	Тор кўча		Номсиз	**Регистон 3-тор кўча**	Ўз маъносида
203	18	Тор кўча		Номсиз	**Регистон 4-тор кўча**	Ўз маъносида
204	19	Тор кўча		Номсиз	**Қили 1-тор кўча**	Ўз маъносида
205	20	Тор кўча		Номсиз	**Қили 2-тор кўча**	Ўз маъносида
206	21	Тор кўча		Номсиз	**Гулобод 1-тор кўча**	Ўз маъносида
207	22	Тор кўча		Номсиз	**Гулобод 2-тор кўча**	Ўз маъносида
208	23	Боши берк кўча		Номсиз	**Сайилжойи 1-боши берк кўча**	Ўз маъносида

209	1	Кўча	30. Хайрабод МФЙ	Номсиз	**Жаннатмакон**	Ўз маъносида
210	2	Тор кўча		Номсиз	**Шарқистон 1-тор кўча**	Ўз маъносида
211	3	Тор кўча		Номсиз	**Шарқистон 2-тор кўча**	Ўз маъносида
212	4	Тор кўча		Номсиз	**Шарқистон 3-тор кўча**	Ўз маъносида
213	5	Тор кўча		Номсиз	**Шарқистон 4-тор кўча**	Ўз маъносида
214	6	Тор кўча		Номсиз	**Қўнғирот 1-тор кўча**	Ўз маъносида
215	7	Тор кўча		Номсиз	**Қўнғирот 2-тор кўча**	Ўз маъносида
216	8	Тор кўча		Номсиз	**Қўнғирот 3-тор кўча**	Ўз маъносида
217	9	Тор кўча		Номсиз	**Қўнғирот 4-тор кўча**	Ўз маъносида
218	10	Тор кўча		Номсиз	**Буюк ипак йўли 1-тор кўча**	Ўз маъносида
219	1	Кўча	31. Халқобод МФЙ	Номсиз	**Зиё**	Ўз маъносида
220	2	Кўча		Номсиз	**Ёшавлод**	Ўз маъносида
221	3	Кўча		Номсиз	**Шаршара**	Ўз маъносида
222	4	Кўча		Номсиз	**Зукколар**	Ўз маъносида

Xalq deputatlari Jizzax shahar
Kengashining
2022 yil 11 noyabrdagi
VI-41-154-3-55-K/22-son qaroriga
2-ilova

Герграфик объектларга ном бериш масалаларини мувофиқлаштирувчи шаҳар комиссиясининг маҳаллалардаги номсиз қабристонларга тавсия этилган номлари тўғрисидаги

ТАКЛИФЛАР

Т/р	Геогра фик объект нинг тури	Жойлаш ган ўрни	Геогра фик объект нинг амал даги номи	Шаҳар комиссия си томонидан берилган таклиф	Изоҳ
1	қабристон	Қассоблик маҳалласи	Номсиз	Хўжамозор	Жиззах вилояти маданий мерос объекти номи **Хўжамозор**. XV — XX асрларга оид маданий мерос объекти ҳисобланади. «Қассоблик» МФЙ.
2	қабристон	Зилол маҳалласи	Номсиз	Хўжағазиён	Жиззах манзилгоҳ сифатида араблар истилосидан аввал ҳам мавжуд бўлган. Бунинг яққол исботи Жиззахдаги «Хўжағазиён» (Хўжа Ғазғон) қабристонидир. Бу қадимий қабристон V-VI асрларда, яъни араблар истилосидан илгари ҳам мавжуд эди. «Хўжағазиён»га ҳозир ҳам майитлар қўйилади. Бу қабристондаги Хўжа Ғазғон ва Турк Тўғон мақбараларини Жиззах эли азал-азалдан зиёрат қилиб келади. Хўжа Ғазғон қабри устида ажойиб қайроқтош туради. Қайроқтош кесувчи қуролларни чархлаш учун мўлжалланган. Халқ орасида «ғазғон» сўзи «ғозий» сўзидан, яъни «забт этувчи», «урушувчи» сўзларидан олинганлигини таъкидлайдиганлар бор. Бундан араблар истилоси даврида Хўжа Ғазғон Жиззахни босиб олишда иштирок этган ҳамда ислом динини Жиззахга олиб келган шахс бўлган, деган хулосага келиш мумкин.
3	қабристон	Қалия маҳалласи	Номсиз	Қалия	"Қалия тепа" Мил. авв. IV- XII – мил XV-XVI асрларга тааллуқли Археологик объект бўлиб, объект “Қалия” МФЙ, Бунёдкор маҳалласи, “Б-саноат” ҳудудида жойлашган. Маданий мерос объекти.

4	қабристон	«Шодлик» маҳалласи	Номсиз	Қипчоқ	**“ҚИПЧОҚ”** (рус манбаларида — половецлар, Византия манбаларида — куманлар) — туркий халқларнинг энг йирик қабилаларидан бири; ўзбек халқи этник таркибидаги асосий компонентлардан бири. Қипчоқлар нафақат ўзбек халқи энтогенезида, балки қатор бошқа туркий халқлар — қозоқлар, киргизлар, қорақалпоқлар, туркманлар, татарлар, бошқирдлар, олтойликлар ва Шим.Кавказдаги айрим халқлар (нўғойлар, қўмиқлар, қорачойлар ва б.) шаклланишида муҳим роль ўйнаган. Қипчоқларга хос этник белгилар усмонли турклар, венгерлар ва б. қатор халқлар таркибида ҳам мавжуд. Милоддан аввалги 3- 4-асрларда Шимоли-Ғарбий Олтойда яшаганлар. Қипчоқларнинг илк аждодларидан бир қисми 6-асрда Ғарбий Олтойдан чиқиб, ҳозирги Мўғулистон ва Тува ерларига келиб ўрнашадилар. 2-қисми эса Иртиш дарёси яқинидаги даштларга кўчиб ўтиб, кимакларга тобе бўлган. 8—12-асрларга келиб, Қипчоқлар Дашти Қипчоқ чўлларида яшаган пайтларида уларнинг таркибига тил жиҳатдан қариндош бўлган кўплаб этник гуруҳлар келиб қўшилган. 8—9-а.срларда Ўрта Осиё ва Козоғистоннинг сиёсий ва этник харитасида жиддий ўзгаришлар юз берган. 10-а. нинг охири — 11-а. бошларида ғарбий қипчоқлар, кимаклар Марказий ва Ғарбий Қозоғистон ҳудудидаги бошқа қабилаларни ҳамда Уралбўйи ва Волганинг ўрта оқимидаги туркийлашган угор-фин қабилаларини ҳам ўзларининг таркибига кириттанлар. Шундай қилиб, ғарбий қипчоқлар 11-а. да Урал ва Волганинг ўрта оқимида яшовчи йирик этносиёсий уюшмага айланди. 13 —14-а. ларда Дашти Қипчоқдан кўплаб қипчоқ қабила ва уруғларининг кўчиб кетишларига қарамай қипчоқларнинг асосий қисми бу ерда қолиб, Олтин Урда аҳолисининг асосий қисмини ташкил қилган. Улар маданий тараққиёти даражасига кўра ўзларининг ҳукмдорлари қисобланган мўғуллардан юқори даражада бўлган. ОлтинЎрда хонларининг бошқарув тизимида қипчоқ-ўғуз лаҳжасига асосланган адабий тил етакчи мавқени эгаллар эди.15-а. нинг 1-ярми—16-а. да кўплаб туркий халқлар сингари ғарбий қипчоқларнинг асосий қисми нўғайлар уюшмаси таркибига кирган.Қипчоқларнинг Мовароуннаҳр маданий минтақаларига ялпи кўчиб келиши Шайбонийхон даврида 16-а. да ва кейинчалик 17-а.да аштархонийлар даврида юз берган. Шунингдек, Қипчоқлар 16- а. нинг 2-ярми — 18-а. нинг бошларида, жунғарларнинг Қозоғистоннинг жан. ҳудудларига бостириб кириши жараёнида ҳам Зарафшон воҳаси ва Фарғона водийсига кўчиб келганлар. Қорақалпоқлар, қозоқлар билан бирга Қипчоқларнинг Ўрта Осиё ҳудудларига кириб келиши 2 йўналишда бўлиб, уларнинг бир қисми Сирдарёнинг юқори оқими бўйлаб Тошкент воҳаси ва Мирзачўл зоналарида жойлашган. Қипчоқларнинг иккинчи қисми эса Ўрта Зарафшон бўйлаб кетган. 18-а. нинг 20—30-й. ларида Қ. Шим. Фарғонанинг тоғ олди минтақаларига келиб ўрнашганлар. Фақатгина маълум миқдордаги Қипчоқлар гина Тошкент воҳасида қолган. Бу даврда к. 4 та асосий гуруҳга: қора қипчоқ, сарик қипчоқ, хитой қипчоқ ва қулон қипчоқларга бўлинган. Уларнинг ҳар бири, ўз навбатида, майда гуруҳларга бўлинган. Қипчоқларнинг айрим гуруҳлари 20-а. бошларигача ўзларининг уруғ-қабилавий бўлинишларини сақлаб қолганлар.Қ 20-а. бошларига қадар ярим ўтроқ ҳолда яшаб, ўзлари учун анъанавий бўлган чорвачиликни деҳқончилик билан қўшиб олиб борганлар. Статистик материаллардан Қипчоқларнинг ўзбек ва киргизлар билан қўшилиб кетиши 19-а. охири — 20-а. бошларида анча жадал кечганлиги маълум. Мас, агар 19-а. нинг 90-й. ларида Фарғона водийсидаги Қипчоқлар сони 70 минг нафарга, 1917 й. га келиб, 44 минг нафарга тенг бўлса, 1926 й. га келиб эса уларнинг водийдаги сони 33,6 минг нафарга тушиб қолган.Фарғона Қипчоқлар ининг асосий қисми Андижон уездида, Андижонсой, Норин дарёсининг қуйи қисми, Мойлисув ва Қорадарё атрофидаги қишлоқларда яшаган. Уларнинг маълум қисми Наманган уезди Косонсой, Сумсар, Чодак, Подшо-Ота, Норин, Ғова каби дарё ва сой қавзаларида ҳамда Янгиарик канали атрофидаги манзилгоҳларда жойлашган. Фарғона уезди ҳудудидаги Шаҳонсой ва Аравонсой, Қўқон уездидаги Сўх ва Исфара дарёси ўзанларида ҳам бир неча қипчоқ қишлоқлари мавжуд бўлган.19—20-а. бошларида водий ҳудудида яшаётган Қ. К. Ш. Шониёзовнинг фикрича, 4 та катта гуруҳга бўлинган. Булар – қ. (ёки тоза қипчоқлар), киргизқипчоқлар, хитой-қипчоқлар ва сартқипчоқлар. Ўз навбатида, юқорида санаб ўтилган қипчоқ гуруҳлари бир қанча уруғларга бўлинганлар. Қўғай, буғоч, кумушой, ўлмас, яшиқ, жайдоқ, пучуғой, элатан, бўғоз, оғим, тоз, сирмоқ, еттиқашка, қутлуқсаид, черек, кўкмўйин, тўртайғир (ёки 4 оғайни), тўрттой, товулди, чанғроқчи, чиял, қўлон, оқбўйра, қорабовур, бошқирт, тикан, қоратикан, сари-қипчоқ, қорамоюн каби уруғлари Фарғона водийсида қайд этилган.Қипчоқларнинг кўпчилиги аста-секин ўтроқлашиб, деҳқончилик б-п шуғулланган. Айрим гуруҳлари 20-а. бошларигача ярим ўтроқ ҳолда яшаб, деҳқончилик ва чорвачилик билан машғул бўлганлар. 20-а. нинг 1-чорагида Ўзбекистон чегарасида яшовчи Қипчоқларнинг умумий сони 127 минг киши бўлиб, шундан 52 минг киши Зарафшон водийсида, 42,2 минг киши Фарғона водийсида яшаган. Тошкент, Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм воҳала рида ҳам Қипчоқларнинг айрим гуруҳлари бўлган.

5	қабристон	«Кимёгар» маҳалласи	Номсиз	1-Бирадарлик	Рус миллатига мансуб фуқаролар дафн этиладиган қабристон. Бирадарлик ўз маъносида қўлланилган. Ҳозирда ушбу қабристонга дафн этилмайди.
6	қабристон	Ҳ. Олимжон маҳалласи	Номсиз	Ялли бўйи	Жиззах вилояти бўйича қрим, татар миллатига мансуб фуқаролар дафн этиладиган қабристон бўлиб, яшил макон деган маънони англатади.
7	қабристон	«Ўратепалик» маҳалласи	Номсиз	Ғиштлик	Қабристон атрофи ғишт билан ўралганлиги учун номи ҳам ғишлик деб юритилган.
8	қабристон	Бунёдкор маҳалласи	Номсиз	Қум ота	**«ҚУМ ОТА»** Мазкур ном билан изланишларимиз қуйидагиларни берди… «…Улуғ камолотга етган авлиёуллоҳлардан бирлари мавлоно Лутфуллоҳ раҳматуллоҳи алайҳи эрдилар. Бу зоти бобарокот Лайлаккон деган қишлоқдан бўлиб, илм талабида Самарқандга келганлар. Бу зоти бобарокот вилоятларини Шоҳруҳия дер эрдилар. *(Мирзо Улуғбек замонидаги воқеалар тилга олинаётир, ўша пайтда Жиззах ва Зомин ҳудудлари Шоҳруҳия вилоятига киритилган.)* Бу олийҳиммат инсон Самарқанд шаҳрида илм олишга машғул бўлдилар. Ниҳоят даражада олим бўлдилар, ҳамдарслари мавлоно Исмоил эрдилар. Бу икки зоти бобарокотлар, илми зоҳирий ва илми ботинийга мумтоз бўлган эрдилар. Ҳазрати Шайхи Бузруквор буларнинг икковларига хонақонинг шарқий томонидаги ҳужрадан жой берганлар. Бу зоти бобарокотлар уч йил масжидда итикофда ўлтирдилар. Ҳазрати Шайхи Бузрукворнинг завжаи мутаҳҳиралари уч йил бу зотларга ўз қўллари бирлан таом пишириб берганлар. Булар учун кийим-кечаклар олиб берганлар. Мавлоно Сайид Муҳаммад раҳматуллоҳи алайҳи айтадиларким, мавлоно Лутфуллоҳ раҳматуллоҳи алайҳи ҳеч ухламас эрдилар. Уйқу ғалаба қилса, қиблага қараб ибодат қилгудек ўтириб ухлар эрдилар. Ҳазрати Шайхи Бузруквори буюрдиларким, «Эй Лутфуллоҳ, сен ўз вилоятингга бориб, одамларни ҳақиқатга даъват қилгин!» Мавлоно Лутфуллоҳ раҳматиллоҳи алайҳи қабул қилмадилар. Ҳазрати Шайхи Бузруквор айтдилар: «Эй Лутфуллоҳ, маслаҳат шулдирким, борурсан!». Мавлоно Лутфуллоҳ раҳматиллоҳи алайҳи «Хўп бўлур», деб ўз вилоятлари Шоҳруҳияга кетдилар. Андак вақтда Шоҳруҳиянинг одамлари билиб қолдилар, кўплари мурид бўлдилар. Бу зоти бобарокотнинг барокотидин бу вилоят обод бўлди. Бева-ю бечоралар камоли хурсандчиликдан дуо қилур эрдилар. Нақлдурким, мавлоно Лутфуллоҳ раҳматуллоҳи алайҳидан Ҳазрати Шайхга бир белбоғ ва бир қамчи етиб келди. Шул вақт хонақоҳда жамоат бор эрди. Ҳазрати Шайхи Бузруквор айтдилар: «Эй дарвешлар, билурмисизлар, мавлоно Лутфуллоҳ нима сабабдан менга белбоғ ва қамчи юборгандурлар?». Дарвешлар айтдилар: «Ҳеч нарса билмасмиз». Ҳазрати Бузруквор айтдилар: «Бунинг сабаби шулдирким, мавлоно Лутфуллоҳ айтадиларким, Ё Шайхи Бузруквор, ҳиммат камари белимдан бўшалгандур, ёрдам қилиб белимни маҳкам боғланг. Қамчи юборганларининг сабаби улдирким, эй Шайхи Бузруквор, менинг руҳим ибодатга сустлик қилур. Бу қамчи бирлан менинг насабимни қамчиланг, токи ибодат қилишда сустлик қилмасун». Нақлдурким, Мирзо Жўғи уруш қилиб келиб, Лайлакконни қамал қилди. Мирзо жўғи мавлоно Лутфуллоҳни талаб қилиб чақириб олмоқчи бўлди. Халқ бунга розилик бермади. Мавлоно Лутфуллоҳ муроқибага ўтирдилар. Мирзо жўғи аскарлари бирлан Лайлаккон қалъасини тирга тутди. Аммо қалъага ҳеч таъсир қилмас эрди. Бу ҳолни кўрган Мирзо жўғи аскарларини олиб қайтиб кетдилар. Мавлоно Муҳаммади Туркистоний айтурларким, мен ул қалъанинг урушида ўзим бор эрдимки, бу ҳикоянинг ёлғони йўқдур. Нақлдурким, мавлоно Лутфуллоҳ шул маконда вафот топганлар, жасади мубораклари ўшал ерда қолгандур. *«Ҳазрати Башир тарихи» Ш.Рашидов фонди. Тошкент.1994 йил.)*
9	қабристон	Бунёдкор маҳалласи	Номсиз	Жиловдор ота	**ЖИЛОВДОР** — ўтмишда ҳукмдор отини қабул қилиб олувчи шахс, ҳукмдор отини жиловлаш билан бирга, унинг отта минишиватушишига кўмаклашган.**Жиловдор** ҳоким отхонасига якин хонада истиқомат қилган ва бу хона жиловхона деб аталган. Ҳукмдор қароргоҳига келган меҳмонларнинг отларини **Жиловдор** олиб қолиб, то ўз юртига қайтгунига қадар озиқлантирган. Ҳар бир вилоят ҳокимининг махсус Жиловдори бўлган. Маҳаллий аҳоли истаги билан шу ном таклифи берилди.

10	қабристон	Нурлиобод маҳалласи	Номсиз	Сўлоқли	Ўзбекларнинг эски шеваларини ваодатларини ўзига хос тарзда сақлаганлари, асосан Жиззах вилоятида бўладилар (Қирқ, Қангғли, Солик, Турк, Туркман, Найман, Мангит, Қитойюз, **Сулоқли**, Туёқли, Олача, Бурқут, Серкали, Баймоқли, Жалойир, Киргиз, Юз, Қуён туёқли, Парчаюз, Қарабча, Қушчи, Уроқли, Тўқжори, Қўштамғали, Сарой, Қонжиғали). * * * **Сўлоқли** – юз қабиласининг тармоқларидан бири. Сўлоқ сўзининг бир неча маъноси маълум – 1) қора жигар, талоқ; 2) қўй-эчки қулоғининг бирон жойини кесиб эм солиш, тамғалаш усулларидан бири — қулоқнинг олдинги томони ўйиб кесилса, олдинги сўлоқ, кейинги томони ўйиб кесилса кейинги сўлоқ дейилган; 3) араванинг ўқига солинадиган темир.
11	қабристон	Амир Темур маҳалласи	Номсиз	Жилли-ғули	Жилли-ғули- шамоллар ғулғуласи деган маъноии билдиради. Ҳудуд шамол йўлида жойлашганлиги туфайли, маҳаллий аҳоли шундай юритган.
12	қабристон	Сангзор маҳалласи	Номсиз	Сангзор	**Сангзор** – Жиззах вилоятининг йирик дарё номи бу билан бирга дарё Туркистон тоғ тизмасининг ажралмас кисмидир.
13	қабристон	Амир Темур маҳалласи	Номсиз	1-Кўл ота	Ушбу қабристон олдида илгари кўл мавжуд бўлган, кейинчалик кўл қуриб, ҳудуд ўтроқлашган. Атрофидаги ҳудудга одамлар дафн қилина бошланган. Ота-боболар ҳурматига қабристон номи Кўл ота деб юритилган. Ҳозирда ушбу қабристонга дафн этилмайди.
14	қабристон	Амир Темур маҳалласи	Номсиз	1-Қорасой	Қорасой- кора сўзи базан ранг маъносини ифодаласа, кўпинча этноним маъносида келиши ҳам мумкин. Қорасой деганда сувнинг ранги эмас, балки сой ёки водийнинг ранги назарда тутилади. Сув оқиб ўтадиган сойлик қорамтир жинслардан ташкил топган бўлса, қорасой дейилган. Ўзоқдан қаралганда сойлик қора бўлиб кўрингани учун ҳам шундай юритилган ва ном гидроним асасида яратилган. Ҳозирда ушбу қабристонга дафн этилмайди.
15	қабристон	Амир Темур маҳалласи	Номсиз	2-Кўл ота	Ушбу қабристон олдида илгари кўл мавжуд бўлган, кейинчалик кўл қуриб, ҳудуд ўтроқлашган. Атрофидаги ҳудудга одамлар дафн қилина бошланган. Ота-боболар ҳурматига қабристон номи Кўл ота деб юритилган.
16	қабристон	Амир Темур маҳалласи	Номсиз	2-Қорасой	Қорасой- қора сўзи базан ранг маъносини ифодаласа, кўпинча этноним маъносида келиши ҳам мумкин. Қорасой деганда сувнинг ранги эмас, балки сой ёки водийнинг ранги назарда тутилади. Сув оқиб ўтадиган сойлик қорамтир жинслардан ташкил топган бўлса, қорасой дейилган. Ўзоқдан қаралганда сойлик қора бўлиб кўрингани учун ҳам шундай юритилган ва ном гидроним асасида яратилган.
17	қабристон	Сайхан маҳалласи	Номсиз	Қўрғонтепа	**Кўрғон-Кўрғонтепа** Баландлик V-VI асрларда жамоавий кўмилиш, 5 ва ундан кўп майитлардан иборат қабрга нисбатан, яна бир таҳминлар, баландлик-кичик шаҳар маносида ҳам келади
18	қабристон	Кимёгар маҳалласи	Номсиз	2-Биродарлик	Рус миллатига мансуб фуқаролар дафн этиладиган қабристон. Биродарлик ўз маъносида қўлланилган.

Xalq deputatlari Jizzax shahar
Kengashining
2022 yil 11 noyabrdagi
VI-41-154-3-55-K/22-son qaroriga
3-ilova

Географик объектларга ном бериш масалаларини мувофиқлаштирувчи шаҳар комиссиясининг шаҳардагимайдон, зиёратгоҳ, хиёбон ва истироҳат боғига тавсия этилган номлари тўғрисидаги

ТАКЛИФЛАР

Т/р	**Географик объектнинг тури**	**Жойлашган ўрни**	**Географик объектнинг амалдаги номи**	**Шаҳар комиссияси томонидан берилган таклиф**	**Изоҳ**
1	Майдон	Сайилжойи МФЙ	Номсиз	**Мустақиллик**	Ўз маъносида
2	Майдон	Обод МФЙ	Номсиз	**Хотира**	Ўз маъносида
3	Истироҳат боғи	Жиззахлик МФЙ	Номсиз	**Ўрда**	Ушбу истироҳат боғи ўрнида илгари хонларнинг қароргоҳи бўлган, шаҳарнинг пайдо бўлиши ва шаклланишида бу ернинг алоҳида тарихий ўрни бор. Тарихий ном ҳисобланади.
4	Истироҳат боғи	Жиззахлик МФЙ	Номсиз	**Ҳамид Олимжон ва Зулфия**	Истироҳат боғида Ҳамид Олимжон ва Зулфияхоним ҳайкаллари қўйилганлиги учун шун ном таклифи берилди.
5	Хиёбон	Жиззахлик МФЙ	Номсиз	**Шароф Рашидов**	Шароф Рашидов ҳайкали қўйилган ва давлат арбобининг шарафига майдонга шу ном таклиф этилди.

6	Зиёратгоҳ	Жиззахлик МФЙ	Номсиз	**Бобоякка**	«БОБОЯККА» ҚАДАМЖОСИ Мазкур қадамжой ҳақида бир неча афсоналар борки, улар мазмун жиҳатидан бири бирини тўлдиради… «Иброҳим исмли бир йигит Хоразм шоҳининг қизига ошиқ бўлиб, унинг зулфини таёққа тор қилиб тортиб соз ясаб ошуқлик куйини чалиб юраверибди. Бу хонишлар довруғи Хоразмшоҳқулоғига етиб борибди ва уни зиндонга ҳукм қилибди. Яхшилар амаллаб Иброҳимни зиндондан қочирибдилар. Шоҳ дарғазаб бўлиб унинг изидан одам юборибди. Малика ҳам бу гапдан ҳабардор бўлиб сочини белига боғлаб уни қутқармоққа чоғланиб йўлга тушибди. Қотиллар Иброҳимга Жиззахда етиб олиб чопиб ташлабдилар ва асодан ясалган созини қабри устига туғқилиб қадаб қўйибдилар… Малика зор йиғлаб «Якка ошиғим эрдинг, бо якка қолдинг!» дея илтижо қилган экан…» (Мусахон Имомов, «Бобояккадаги муҳаббат туғи ёки Жиззах Ўрдасида қатл қилинган ошиқ ҳақида ривоят». Йиғма материаллар). * * * «Бобоякканинг асл исми Бобоқамбар бўлиб «Боборавшан» достонида Бобоқамбар шаклида берилиб ўзбек халқ оғзаки ижоди наъмуналаридан «Гўрўғли» туркумига кирувчи достонлардан қирқдан ортиғида «Соқибулбул» образи орқали баён қилинган. Яна бир манбада Бобоқамбар пайғамбаримиз Муҳаммад (САВ)нинг амакиси Абу Толибнинг фарзанди Али (Ҳазрат Али)нинг отбоқари бўлганлиги, унинг ўткир табиб, шоир, тарихчи, хушовоз хонанда ва от танловчи фазилатларига эга бўлганлиги қайд этилади. …Бобоқамбар замона зайли билан Хоразм шоҳи саройида хизматда бўлади. Шоҳнинг Қорасоч исмли қизини яхши кўриб қолганлиги учун Хоразмшоҳ ундан қутилиш мақсадида Бобоқамбарни олис Жиззахнинг Ўрда қалъасига дарбозабеги қилиб жўнатади. Буни эшитган қиз ҳам унинг ортидан жўнайди. Хоразмшоҳ бир гуруҳ лашкар юбориб «Бобоқамбарга тегманглар, қизимни олиб қайтинглар» деган топшириқ беради. Аммо, лашкарбошининг хусумати бор эди… Дарбоза олдида эндигина Қорасоч билан кўришиб турган пайтида Бобоқамбарнингелкасига қилич солади… Қорасоч чодир чаманига ўралганча «Бобо якка қолди» дея зор йиғлаб қайтиб кетган экан. Ҳикоят қилишларича, ана шундан бери Жиззахнинг Ўрдасидаги Бобоқамбар шаҳид бўлган жой маҳаллий аҳоли томонидан «Бобоякка» дея эъзозланиб келинади. Жуда кўп жойларда, айниқса, Хоразмда Бобоқамбарни санъат аҳлининг пешвоси сифатида иззатлайдилар, «Бобоқамбар» отлиғ куй ҳам бор.